

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш УСЛУБИЁТИ

Мазкур Услубиёт Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Вазирликнинг фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Вазирликнинг коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган вазифа ва функцияларини аниқлаш ҳамда коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантириш;

коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

2. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш қуйидагилар ишлаб чиқилишини назарда тутади:

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;
коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур;
коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхати;
коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри.

3. Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

коррупциявий хавф-хатар - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли;

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси - Вазирлик фаолиятида амалга ошириладиган вазифа ва функциялар (жараёнлар) билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи ва даражаси, функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизмлар, функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари, қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражаси, коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш чораларини амалга оширишга масъул ижрочиларни ўз ичига олган ҳужжат;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш - Вазирликнинг фаолиятини (вазифа ва функцияларини) таҳлил қилиш, мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва ушбу хавф-хатарлар даражасини баҳолаш бўйича

фаолият;

қолдик хавф-хатар - аниқланган коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш юзасидан белгиланган чорадан кейин сақланиб қоладиган хавф-хатар;

махсус бўлинма – Вазирликнинг Ички назорат бўлими;

ишчи гуруҳ – Вазирлик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун тузиладиган ходимлар таркиби.

4. Вазирлик томонидан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили 1 марта қадар амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан (бундан бўён матнда Агентлик деб юритилади) Вазирликнинг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш, ушбу йўналишда камчиликларнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар берилиши мумкин.

2-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкил этиш

6. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Вазирлик марказий аппаратининг барча бошқарма ва бўлимларини қамраб олиши лозим.

Бунда, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш маҳсус бўлинма ёки ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

7. Ишчи гуруҳ аъзолари Вазирликнинг таркибий бошқарма ва бўлимлари масъул ходимларидан иборат таркибда ташкил этилади.

Вазир томонидан ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланади ҳамда унинг фаолияти мувофиқлаштирилади.

8. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашда Вазирлик марказий аппаратининг Ишчи гуруҳ томонидан қўйидаги вазифалар амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Вазирликнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиши;

Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини ишлаб чиқиши;

Вазирликнинг тузилмасига кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳаларини кўриб чиқиши ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш;

Агентлик ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида давлат ташкилотининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини такомиллаштириш.

9. Вазирликнинг тузилмасига кирувчи корхоналарда Ишчи гуруҳ қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш ишларини ташкил этиш;

коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ва коррупцияга қарши курашиш

бўйича дастур лойиҳаларини кўриб чиқиши.

3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби

10. Ишчи гуруҳ томонидан Вазирлик фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) тавсифи ушбу Услубиётнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

11. Вазирлик фаолиятидаги (вазифа ва функциялардаги) коррупциявий хавф-хатарлар ички ва ташқи ахборот манбалари асосида аниқланади.

12. Ички ахборот манбалари қўйидагилардан иборат:

Вазирлик фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) хуқуқий асоси;

ички текширув материаллари, шу жумладан хизмат текшируви материаллари;

одоб-ахлоқ комиссияси мажлислиарининг йиғилиш баённомалари;

коррупцияга қарши курашиб ишларининг мониторинг натижалари;

Ишчи гуруҳ томонидан Вазирлик фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари ва бошқалар.

13. Ташқи ахборот манбалари қўйидагилардан иборат:

Вазирлик фаолияти тўғрисидаги хуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар (хабарлар) ва статистик маълумотлар;

Агентлик ёки бошқа давлат ташкилотлари томонидан давлат ташкилоти фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар ва бошқалар.

14. Ишчи гуруҳ Вазирликнинг фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлашда қўйидаги ҳолатлар таҳлил қилиниши лозим:

Вазирликнинг ходими томонидан содир этилган коррупцияга оид хуқуқбузарлик;

Вазирлик томонидан фаолиятини (вазифа ва функцияларини) амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар учун сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги;

ўз вақтида қарор қабул қиласлик, асоссиз тезкор тартибда қарор қабул қилиш;

хўжжатлар, электрон маълумотлар базаларига била туриб ёлғон маълумотларнинг киритилиши;

хизмат ваколатларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви;

ваколатларни амалга оширишда маҳаллийчилик, ҳомийлик, уруғаймоқчилик каби ҳолатларнинг мавжудлиги.

15. Вазирлик фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларнинг даражаси қўйидаги ўлчовларда баҳоланади:

Паст;

Ўрта;

Юқори.

16. Ишчи гурух томонидан коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш мазкур Услубиётнинг 2-иловасидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

4-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг даражасини бартараф этиш чоралари

17. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари қўйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

норматив-хуқуқий ҳужжатлар ҳамда ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

инсон омилини қисқартириш ва давлат ташкилоти фаолиятини (вазифа ва функцияларини) рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

Вазирлик фаолиятини (вазифа ва функцияларини) тартибга солиш чораларини кўриш;

Вазирлик ходимлари ва жисмоний шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани максимал даражада чеклаш;

расмий веб-сайт ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Вазирлик томонидан амалга оширилаётган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва тарқатиш;

давлат хизматларини қўрсатиш жараёнини соддалаштириш, асосиз чекловларни, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш механизмларини йўқ қилиш, тақдим этилган ҳужжатлар сони ва қарор қабул қилиш муддатларини қисқартириш;

Вазирлик томонидан коррупцияга қарши курашишга қаратилган тушунтириш ишларини амалга ошириш, профилактик сұхбатлар ўтказиш, ишонч телефонлари ва алоқа каналларида тарғибот ишларини амалга ошириш;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички ҳужжатларга ҳар куни, ўзаро ва тўлиқ риоя қилишларини назорат қилиш.

Вазирлик коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

18. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича мазкур Услубиётнинг 16- бандида белгиланган чоралардан келиб чиқиб, қолдиқ хавф-хатар даражасини баҳолаш мазкур Услубиётнинг 2-иловасидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

19. Вазирлик марказий аппаратининг Ишчи гурухи томонидан мазкур Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда марказий аппаратининг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси лойиҳаси ишлаб чиқилади.

20. Вазирликнинг тузилмасига кирувчи корхоналар томонидан ушбу Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда коррупциявий хавф-хатарлар харита лойиҳалари ва мазкур Услубиётнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳаларини кўриб чиқилади.

Бунда, мазкур лойиҳалар Вазирлик марказий аппаратининг Ишчи гурухига умумлаштириш учун тақдим қилинади.

21. Вазирлик марказий аппаратининг Ишчи гурухи томонидан Вазирлик фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари асосида Вазирликнинг умумлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқилади ва “E-anticor.uz” электрон платформасига ҳар йили 1 февралга қадар киритилади.

22. Вазирлик марказий аппаратининг Ишчи гурухи томонидан “E-anticor.uz” электрон платформасида жойлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитасига асосан автоматик равишда қўйидаги хужжатлар шакллантирилади:

Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури;

Вазирликнинг коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлари рўйхати.

5-боб. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби

23. Агентлик томонидан “E-anticor.uz” электрон платформасида жойлаштирилган Вазирликнинг коррупциявий хавф-хатарлар харита лойиҳалари асосида автоматик равишда коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри шакллантирилади.

24. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри лойиҳаси Агентлик томонидан жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун ўн беш кундан кам бўлмаган муддатга “E- anticor.uz” веб-сайтига жойлаштирилади.

25. Агентлик жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича умумлаштирилган таклифларни муҳокама якунланган кундан бошлаб ўн кун ичida “E-anticor.uz” электрон платформаси орқали давлат ташкилотига юборади.

26. Вазирлик марказий аппаратининг Ишчи гурухи Агентлик ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида Вазирликнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури лойиҳаларини такомиллаштиради.

27. Вазир ҳар йили 1 марта қадар коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини “E-anticor.uz” электрон платформаси орқали тасдиқлайди.

6-боб. Якуний қоидалар

28. Ушбу Услубиёт Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарган тақдирда ёки Вазирликнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш жараёнини такомиллаштириш зарурати туғилганда қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши лозим.

29. Мазкур Услубиёт талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Кон-геология вазирлиги фаолиятида коррупцияның хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиётіга 1-Илова

Вазирлик фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) ТАВСИФИ

Кон-геология вазирлиги фаолиятида
коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва
баҳолаш Услубиётига
2-Илова

Коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш бўйича МЕЗОНЛАР

Коррупциявий хавф-хатар даражаси	Мезонлар
Юқори*	<p>Вазирлик фаолияти (вазифа ва функцияси) автоматлаштирилмаган</p> <p>Вазирлик фаолияти (вазифа ва функцияси) тартибга солинмаган</p> <p>Назоратсиз тартибда иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд</p> <p>Вазирлик фаолияти (вазифа ва функция) доирасида қарорни лойихасини тайёрлашда, кўриб чиқишида ва қабул қилишида бир шахс иштирок этиши</p> <p>Вазирлик фаолиятини (вазифа ва функцияни) бажаришда коррупциявий хатти-харакат содир этилган (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланган)</p>
Ўрта*	<p>Вазирлик фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман автоматлаштирилган</p> <p>Вазирлик фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман тартибга солинган</p> <p>Назорат тартибида иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд</p> <p>Вазирлик фаолиятини (вазифа ва функцияни) доирасида қарорни лойихасини тайёрлашда, кўриб чиқишида ва қабул қилишида иккита шахс иштирок этиши</p> <p>Вазирлик фаолияти (вазифа ва функцияси) бажаришда коррупциявий хатти-харакат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланмаган)</p>
Паст†	<p>Вазирлик фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ автоматлаштирилган</p> <p>Вазирлик фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ тартибга солинган жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд эмас</p> <p>Вазирлик фаолияти (вазифа ва функцияси) доирасида қарорни лойихасини тайёрлашда, кўриб чиқишида ва қабул қилишида уч ва ундан ортиқ шахс иштирок этиши</p> <p>коррупциявий хатти-харакат ва коррупциявий хатти-харакат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас</p>

* Ишчи гурӯҳ томонидан Вазирлик фаолиятида (вазифа ва функциясида) аниқланган хавф-хатарнинг “Юқори” ёки “Ўрта” даражада деб баҳолаш Вазир билан келишган ҳолда амалга оширилади.

† Вазирлик фаолиятида (вазифа ва функциясида) аниқланган коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашда, агарда “Паст” даражадаги мезонларнинг бири мавжуд бўлса, ўша коррупциявий хавф-хатар даражаси паст даражада деб баҳоланади.

Кон-геология вазирлиги фаолиятида
коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш
ва баҳолаш Услубиётига
3-Илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тоғ-кон саноати ва геология
вазири
Б. Исламов

“___” _____ 2023 йил

**Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги фолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларнинг
ХАРИТАСИ**

T/p	Коррупциявий хавф-хатарнинг гавсифи	Коррупциявий хавф-хагарнинг даражаси (паст, ўрта, юқори)	Функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим	Функцияларни (жараёнларни) гаргибга соловчи механизм	Коррупциявий хавф-хагарларни баргараф эгиш чоралари	Қолдиқ коррупциявий хавф-хагар даражаси (пасг, ўрга, юқори)	Масъул ижрочилар
1.	1. Таркибий бўлинманинг номи*						
1.	1. Бўлим функцияси номи						
	1. Функцияга оид муносабаг номи						
	1. Жараён номи						
	2. Жараён номи						
	2. Таркибий бўлинманинг номи*						
2.	1. Бўлим функцияси номи						
	1. Функцияга оид муносабаг номи						
	1. Жараён номи						
	2. Жараён номи						

**Кон-геология вазирлиги фаолиятида
коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш
ва баҳолаш Услубиётига
4-Илова**

**Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш
ДАСТУРИ**

T/p	Коррупциявий хавф- хатарларни бартараф этиш чора-тадбирлари	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
1.				
2.				